

9-10-2019

## **АЛИШЕР НАВОИЙ ЛИРИКАСИДА ТАЛҚИН ЭТИЛГАН «ВАТАН» КОНЦЕПТИ ТАҲЛИЛИ („БАДОЕ УЛ-БИДОЯ” ВА „ҒАРОЙИБ УС-СИҒАР” ДОСТОНЛАРИ МИСОЛИДА)**

Камола Хусниддин қизи Мукулмонова

*Самарқанд давлат университети филология факултети магистранти*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

---

### Recommended Citation

Мукулмонова, Камола Хусниддин қизи (2019) "АЛИШЕР НАВОИЙ ЛИРИКАСИДА ТАЛҚИН ЭТИЛГАН «ВАТАН» КОНЦЕПТИ ТАҲЛИЛИ („БАДОЕ УЛ-БИДОЯ” ВА „ҒАРОЙИБ УС-СИҒАР” ДОСТОНЛАРИ МИСОЛИДА)," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 6 , Article 48.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss6/48>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

---

**АЛИШЕР НАВОЙИЙ ЛИРИКАСИДА ТАЛҚИН ЭТИЛГАН «ВАТАН»  
КОНЦЕПТИ ТАҲЛИЛИ („БАДОЕ УЛ-БИДОЯ” ВА „ҒАРОЙИБ УС-  
СИҒАР” ДОСТОНЛАРИ МИСОЛИДА)**

Cover Page Footnote

??????

Erratum

??????

## АЛИШЕР НАВОИЙ ЛИРИКАСИДА ТАЛҚИН ЭТИЛГАН «ВАТАН» КОНЦЕПТИ ТАҲЛИЛИ („БАДОЕ УЛ-БИДОЯ“ ВА „ҒАРОЙИБ УС-СИҒАР“ ДОСТОНЛАРИ МИСОЛИДА)

Мусулмонова Камола Хусниддин қизи

Самарқанд давлат университети филология факултети магистранти

**РЕЗЮМЕ:** Мазкур мақолада Алишер Навоийнинг “Бадое ул-бидоя” и “Ғаройиб ус-сигар” асарларидаги “Ватан” концепти таҳлилга тортилган. Шунингдек, талабаларда ватан ва ватанпарварлик тушунчалари ҳақида кўникмалар бериш ҳақида сўз кетади.

**Калит сўзлар:** Ватан, маънавият, ватанпарварлик, иймон, ишонч, концепт, таҳлил.

**РЕЗЮМЕ.** В этой статье посвящено анализ концепт родина в произведение “Бадое ул-бидоя” и “Ғаройиб ус-сигар” Алишера Навои. В том числе статье даётся учашихся понятие родины и патриотизма.

**Ключевые слова:** Родина, духовность, патриотизм, вера, концепт, анализ.

**Abstract:** This article focuses on the analysis of the concept homeland in the work “Badoi ul-bidoya” and “Karoyib us-siar” by Alisher Navai. Including the article gives students the concept of Homeland and patriotism.

**Key words:** Motherland, spirituality, patriotism, faith, concept, analysis.

Филология илмида концепт - бу инсоний ҳаётнинг ақлий, маънавий ёки моддий соҳасига тегишли бўлган, халқ ҳаётидаги тарихий илдизларга эга бўлган, ижтимоий ва субъектив тушунчага эга бўлган фикрлашларнинг бир томонига асосланган сўз белгининг таркибий қисми ҳисобланади. У кўпинча бошқа концептларга алоқадор ёки кўп ҳолатларда унга қарши бўлган тушунчаларни ўзида мужассам этади [1., 45].

XX асрнинг биринчи ярмида рус тадқиқотчиси С.А. Аскольдов когнитив ва бадий тушунчаларни ўрганиб, уларнинг ҳар бирининг ўзига хос хусусиятларини аниқлади. Муаллиф уни илм-фан соҳасида мантиқан, ундан кўра бошқача йўл тутиш мумкинлигидадир,-деб таъкидлади. С.А. Асколд когнитив тушунчалар "одатийлик" билан тавсифланади, чунки бу жуда кўп шунга ўхшаш нарсаларнинг схематик чизилгани, яъни шахсий нарсалар билан боғлиқ нарсаларга тааллуқли бўлган "муайян аниқ тафсилотларга эга бўлмаган схемалар", деб номлайди. Агар "илм концептлари кенг тарқалган бўлса, унда санъат тушунчалари индивидуалдир". Чунки дунёдаги ҳар қандай бадий тафаккур, унинг тақдироти субъективдир ва у бир ёки бир нечта муаллифнинг матнини акс эттиради. Бадий концепт ва билим концепти ўртасидаги яна бир муҳим фарқ шундаки, тадқиқотчилар "ҳис-туйғулар, хоҳиш-истаклар, умуман олганда, илм концептига бефарқ бўладилар". Бадий концепт эса одатда, ҳар иккаласининг ҳам мажмуасидир, яъни тушунчалар, ғоялар,

ҳис-туйғулардан иборатдир, ҳис-туйғулар эса баъзан ҳатто, олий белгиларини ҳам ифодалайди "[2., 267 -268].

Ушбулардан маълум бўладики, бадиий концепт маълум бир "ҳиссий ва эстетик зўриқиш" ни яратишга қодир ва айни пайтда идрок тушунчалари шакллантиришга қодир бўлган тушунчаларни ифодалайди. Эҳтимол, бадиий концепт тузилишида умумий ва индивидуал маъновий маъноларни, яъни эмоционал-баҳоловчи нарсалар(салбий ва ижобий ёки бўёқдорлик ва бошқалар )ни ажратиб кўрсатиш орқали ўзига хосликни ифодалаши мумкин бўлади [3., 89].

Шу боис ҳам Ватан концепти кенг ва тор маънода тушуниш мумкин. Тор маънода кишининг туғилиб ўсган юрти, муайян халққа тегишли ҳудуд маъносини англатса, кенг маънода эса, муайян қитъа вакиллари учун ўз қитъалари умумий ватан, башарият учун Ер сайёраси ягона макон саналади. Шу сабабдан уни фақат тор маънода олиш ярамайди. Ҳатто ҳайвонларда ҳам ватан тушунчаси макон, ҳудуд сифатида мавжуд. Уларнинг тарқалиш чегараси, мослашган ҳудуди улар учун ватандир. Айнан ўша ҳудудида кўпайиб, ривожланиб ҳаёт кечиради. Ватан концептини кенг маънода тушуниш, яъни Ер юзини ягона ватан сифатида талқин қилиш инсониятни ягона мақсад йўлида бирлаштиради. Ер юзини асраш, унинг бойликларига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш жумла башариятга бирдай аҳамият касб этади. Ватан концепти деярли барча ижодкорлар ижодида кенг ўрин эгаллайди. Қолаверса, кўплаб олимлар ўз ишларида айни шу масалага ҳам алоҳида тўхталиб ўтган. Шунини алоҳида қайд этиш жоизки, ватан ва ватанпарварлик мавзуси энг катта эҳтиёж сингари ҳар доим инсониятга керак бўлган, унинг маънавий камолотида асосий омил бўлиб хизмат қиладиган воситадир. Ёш авлодни буюк келажак учун жонкуяр фарзандлар қилиб тарбиялашда, энг асосий эътибор уларнинг қалбида ватан туйғусини чуқур илдиз оттириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилади. Зеро, ўзлигини англаган, юрагида ватан ишқи жўш урган кишигина ўз замини учун чин маънода қаҳрамонлик кўрсатмоққа қодир.

Ватандан олис кетишнинг охири оворалиқдир. Қалбида ватанпарварлик ҳисси бор кишигина чинакам қаҳрамонликлар кўрсатмоққа қодир. Биргина Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик сиймоларида ватанга бўлган муҳаббат, чексиз садоқат ҳиссини илғаш мумкин. Ватандан айро кетмоқ киши бошига ғурбат тошларини ёғади. Умри ана шу ситамлар исканжасида ўтади. Буни Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ҳижрон мотивлари устувор лирикаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Албатта, ҳеч бир киши бундай ситамларни ўзига истамайди. Юқорида келтирилган байтларда, ватанга садоқат, умри давомида унинг баърида ўсиб камол топиш, ватандан айроликнинг ранж-аламлари ҳақида таъкидланади. Байтларнинг мазмунига ҳам айни шу ғоя сингдирилади. Ҳадиси шарифларда „Хуббул ватани минал имони“ яъни, „ватанни севмоқ имондандир“ дея таъкидланади. Навоий асарлари муқаддас Қуръони Карим ва ҳадиси шарифлардан озиқланган. Буни унинг чексиз лирик ғазалиёти, асарларидаги байтларга диққат билан назар ташлаш орқали илғаш мумкин.

Ватан мавзуси замонавий ўзбек шеъриятида алоҳида йирик кўлам касб этади. Бу эса алоҳида тадқиқот мавзуси ҳисобланади. Таълимда ватан концепти ҳақида

тушунча бериш, уни ўқувчилар онгига сингдириш эса ҳар доим ўз аҳамиятини йўқотмайдиган ва долзарблик касб этадиган мавзу бўлиб қолаверади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, мумтоз адабиётда ватан концепти, унинг ўзига хос изоҳи ва маъно нозикликларига деярли эътибор қаратилмаган. Айниқса, ўз ижоди билан инсон маънавий камолотини кўзлаган Алишер Навоий лирикасида ҳам ватан тушунчаси ўзига хос тарзда қўлланади. Унинг лирик асарларига диққат қаратадиган бўлсак, турфа мавзулар, ғоялар теранлиги, моҳият бетакрорлигини илғаш мумкин. „Наводир-уш шабоб“ девонида ҳам ана шундай бетакрор мавзулар қаламга олинади. Девонда ватан концепти билан боғлиқ байтлар ҳам салмоқли ўрин тутаяди. Моҳиятан, ватан концепти кишининг туғилиб ўсган жойига нисбат берилса, ғазалларда қўлланган ватан концепти байтлар мазмунига жозиба бахш этувчи ўзига хос ташбеҳ вазифасини ўтайди. Бунда, албатта, ватаннинг улуғлик, муқаддаслик, ягоналик сифатларига алоҳида урғу берилади. Лирик меросида эса гўзал ташбеҳ яратишда ўзига хос восита ролини ўтайди. Хусусан, „Бадое ул-бидоя девони таркибига киритилган 21-ғазалдан олинган ушбу байтга диққат қилайлик:

Жисм уйидин кўнгул тилар ул кўйни, валеқ,  
Ғурбат суубатин киши билмас **ватан** аро[ 4.,44]

Аслида ғазал ишқий мавзуда битилган. Байтларда ёрнинг жафокашлигидан изтироб чекаётган ошиқ руҳий ҳолати тасвир этилади. Лекин 3-байтга келиб ишқий ҳолат баёни ватандан айро киши ҳолатига нисбат берилган ҳолда тасвир этилади. Ватандан олисламаган киши ғурбат нелигини билмайди. Унга бу ҳолат бегона. Лирик қахрамон ҳам ёрни ана шундай ғурбат нелигини билмаган образ сифатида тавирлайди. Гарчи байт ишқий мазмун касб этса-да, юқорида келтирилган байт ватан ҳиссини англаш ва англатишда беқиёс аҳамият касб этади.

Шужоат бирла кирмақ кулбайи фақр ичра бўлмаским,  
Бу вайронни қила олмас **ватан** ҳар аждаҳо густоҳ. [4.,71 ]

„Кулбайи фақр“ - кўнгил тўқлиги. Унинг нафсининг турфа оройишларидан холилиги ва қалб хилватида ҳақ сари интилиш демақдир. Кулбайи фақр шоир таърифида вайрона, деб келтирилади. Сабаби у дунёнинг ўткинчи шодликларидан холи, қолаверса, дард-у ғуссага макон. Ҳаёт лаззатларидан воз кечиб ушбу фақирлик кулбасига шижоат билан қадам қўйиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмайди. Айниқса, ҳайбати аждаҳо бўлган тақдирда ҳам, густоҳ, яъни осийлар бунда ватан тута билмайди. Демақ, ватан концепти ушбу ўринда муқаддасликка йўғрилган ҳолда тасвир этилади.

Кейинги ғазалда ватан „яшайдиган жой“, „муқим макон“ маъноларида қўлланилади:

Лаҳад кунжин **ватан** айлаб минибтур умридин Мажнун,  
Не бўлса, мен киби оворайи бехонумон эрмас[4.,222].

Байтда Мажнун образи асносида ватан сўзи қўлланилади. Лирик қахрамон Мажнуннинг лаҳад кунжини ватан, яъни турар-жой, яшаш макони қилганлигига нисбат беради. Кейинги ғазал ҳам ушбу ғазалга ҳамоҳангдек кўринади. Сабаби юқорида келтирилган ғазал байтида ватан яшаш жойи мамунини англатиб келса,

кейинг ғазалда ватандан йироқ тушииш оворалиққа тенг келиши, ватанда кўрилган оворалиқнинг ўзи эса юз хонумондан яхшироқ эканлиги тасвирланади:

Ишқ саҳросида ёд этма **ватан**дин, эй хирад,

Ким бу нав оворалиқ юз хонумондин яхшироқ. [4.,275]

Яна бир ўринда лирик қаҳрамон руҳий ҳолатини тасвирлашда ишқ макони сифатида ватан концептига мурожаат қилинади:

Кўнгул то водийи ишқига тушти, қилмади бир хам

**Ватан**ни ёд ул оворайи бехонумон ҳаргиз. [4.,124]

Ошиқ маҳбубаси ишқ водийсида яшайди, ошиқ кўнгли эса ана шу водийга тушган. Бироқ ёр ўзи макон тутган жойга парво қилмасдан кетади. Энди ошиқ учун ҳам маъшук яшовчи жой - ватан. Иккаласи учун эса ишқ водийси ватандир. Бу байтда эса ватан тушунчаси ишқ-муҳаббат билан ёнма-ён қўйилгани ҳолда, уни севиш, авайлаш мазмунига нисбат берилади.

Ватан концепти қуйида келтирилган байтда бетақрор ташбеҳ билан ифодаланади:

Чуғз ташбиҳин манга, ей ҳусн ганжи қилмаким,

Мен ватан бузмишмен, ул қилмиш бузуғ ватан ичра. [4.,454]

Ана шу мазмундан келиб чиққан ҳолда юқоридаги байтни қуйидагича шарҳлаш мумкин: кўнгилларни ватандан жудо бўлишини истасанг, зулфинг тутунларини ечиб тара. Бу байтнинг ёйиқ ҳолати. Уни моҳиятан изоҳлаганда эса, бошқача мазмун англашилади. Кўнгил ишқ риштаси сифатида талқин этилиши маълум. Соч эса тасаввуф адабиётида ишқ сирларига етишиш воситаси сифатида талқин этилади. Кўнгил эса ана шу сочларга боғланган. Бу боғичлар ечилса, у зеро, инсон учун энг катта мусибат-ватандан жудо бўлиш. Бу кишини хор-зорликка солади. Юқоридаги байтда ҳам ошиқ қалбининг, руҳиятининг оғриқларини янада аниқроқ тасвирлашда айни шу сўздан фойдаланилади.

Айрим ўринларда ватан концепти Мажнун тимсоли билан биргаликда, ёки унга ишора қилган ҳолда келтирилади. Бунда Мажнуннинг ёр остонасини макон тутганлиги, ёки бошқа бир ўринда ана шу макондан жудо бўлиб жафо чекканлиги тасвири ошиқ руҳий ҳолатга ҳамоҳанг ҳолда келтирилади:

Гарчи Мжанунмен сенинг кўюнгни ўқ айлаб ватан,

Анда ўқ бўлсам бўлай бозичайи атфолким [4.,242]

Ёки

Лаҳад кунжин ватан айлаб тиниптур умридин Мажнун,

Не бўлса мен киби оворайи бехонумон эрмас. 4.,134]

Дастлаб келтириган байтда ошиқ ўзини Мажнунга қиёс этади. Худди у каби ёр қўйида болалар ўйинчоғи сингари ўқ бўлишни ихтиёр этишини ифодалайди. Кейинги байтда эса, ўз ҳолини Мажнунникидан юқори қўяди. Мажнун лаҳад кунжин ватан тутуб умрини ниҳоясига етказган, бироқ ошиқ ундан фарқли равишда, бехонумонликда оворайи сарсон. Байтда ватан ва бехонумонлик тушунчалари ўзаро қарама-қаршиликда тасвирланган. Аслини олганда ҳам ватан ва ватансизлик мазмунидаги бехонумонлик тушунчалари доимо ўзаро зидланади. Ватан муайян маконга эга эканлик, унга тааллуқлилик мазмунини англаб,

бехонумонлик ватансизлик, ундан жудо бўлиш сингари маъноларни ифода этади. Кўринадики, бунда ватанни тарк этиш, ундан айро тушиш киши бошига ғам ташвиш, „ранж-у ғурбат“ келтириши алоҳида таъкидланган. Ҳар қандай киши ўз заминида, она тупроғида шод-хуррам ҳаёт кечириши мумкин. Ундан айрилиш эса чексиз изтиробларга олиб келади. Ҳазрат Навоий байтда ана шу мазмунни назарда тутади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ватан концептини кенг ва тор маънода тушуниш мумкин. Шунини алоҳида қайд этиш жоизки, ватан ва ватанпарварлик мавзуси энг катта эҳтиёж сингари ҳар доим инсониятга керак бўлган, унинг маънавий камолотида асосий омил бўлиб хизмат қиладиган воситадир. Ёш авлодни буюк келажак учун жонқуяр фарзандлар қилиб тарбиялашда, энг асосий эътибор уларнинг қалбида ватан туйғусини чуқур илдиз оттириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбийлашга қаратилади. Зеро, ўзлигини англаган, юрагида ватан ишқи жўш урган кишигина ўз замини учун чин маънода қаҳрамонлик кўрсатмоққа қодир.

Ватан концепти деярли барча ижодкорлар ижодида кенг ўрин эгаллайди. Қолаверса, кўплаб олимлар ўз ишларида айна шу масалага ҳам алоҳида тўхталиб ўтган. Шунини алоҳида қайд этиш жоизки, ватан ва ватанпарварлик мавзуси энг катта эҳтиёж сингари ҳар доим инсониятга керак бўлган, унинг маънавий камолотида асосий омил бўлиб хизмат қиладиган воситадир. Ёш авлодни буюк келажак учун жонқуяр фарзандлар қилиб тарбиялашда, энг асосий эътибор уларнинг қалбида ватан туйғусини чуқур илдиз оттириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбийлашга қаратилади. Зеро, ўзлигини англаган, юрагида ватан ишқи жўш урган кишигина ўз замини учун чин маънода қаҳрамонлик кўрсатмоққа қодир. Шу сабабдан ҳам ватан концептини ўрганиш ва уни ўқитиш барча даврларда долзарб аҳамият касб этади. Шу боис ҳам ватан концептини Алишер Навоийнинг икки асари мисолида ўрганиш тадқиқотимизнинг бир қисмини ташкил этади, холос.

Холбуки, ватан концептининг моҳиятини таълим тизимида ёш авлод қалбига бошқа ижодкорлар асарлари орқали ҳам сингдириш ҳар бир тарбиячи-мураббийнинг бурчи бўлмоғи лозим.

Хуллас, ватан концептини турли фанлар нуқтаи назаридан тадқиқ этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

#### **References:**

1. Demyankov V. Z. Termin «konsept» kak element terminologicheskoy kulturi. –М.: Nauka,1975.
2. Askoldov S.A. Konsept i slovo // Russkaya slovesnost. Ot teorii slovesnosti k strukture teksta. Antologiya.- М.: Academia, 1997. S. 267–280
3. Dzyuba E. V. Konsept «um» v russkoy lingvokulture: Monografiya. Ural. gos. ped. un-t. -Ekaterinburg, 2011. - 224 s.
4. Hayitmetov A. Navoiy lirikasi – Т.: Fan, 2015.
5. Alisher Navoiy va Abdibek Sheroziy. «Хорийй филология» журнаli, 2014 yil, 2 son, 93-96 b.
6. Alisher Navoiy asarlari tilining izohli lug'ati– Т.: Fan, 1983